**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача ва мактаб таълими
вазири ўринбосари
Г.Комилов
“25” ________ 2025 йил

# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ, ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИДА ЖОЙЛАШГАН 34-СОНЛИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ НЕГИЗИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА КОНЦЕПЦИЯСИ

## I. Лойиҳанинг тавсифи

| | |
|---|---|
| **Лойиҳанинг номи:** | Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган 34-сонли умумтаълим мактабининг бўш ер майдонида давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш. |
| **Тармоқ номи:** | Мактабгача таълим |
| **Лойиҳа тури:**<br><br>*(Лойиҳа доирасида янгидан қуриш,)* | Лойиҳа доирасида янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилиш. |
| **Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми**<br><br>*(Қурилиш, эгалик қилиш, эксплуатация қилиш ва қайтариш (BOOT); лойиҳа-лаштириш, қурилиш, молия-лаштириш, фойдаланилиш, тиклаш ва хизмат кўрсатиш (DBFORM) ёки бошқа)* | Лойиҳалаштириш, қурилиш, молиялаштириш, фойдаланилиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш (DBFOMT) |
| **Давлат шеригининг номи:** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |
| **Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |
| **Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):** | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани |

## II. Дастлабки танлов натижалари

| ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
|---|
| Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги "Давлат хусусий шериклик тўғрисида"ги ЎРҚ–537-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрадаги ПФ-5552 "Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги "Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 720-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган 34-сонли умумтаълим мактабининг бўш ер майдони *(3500 кв.м бўш ер майдони,)* давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш.<br>Мазкур топшириқнинг ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим соҳасида нодавлат секторнинг улушини кўпайтириш, мактаб ёшидаги болаларни замонавий таълим технологиялари, мусиқа, спорт ва бошқа турли тўгаракларни ташкил этиш орқали ўрта таълимга тайёрлаш, юқори малакали ходимларни иш билан таъминлаш мақсадида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи "OLTINKO'L KO'MIR BRIKET" МЧЖ томонидан ташаббус қилинган ушбу лойиҳани маъқуллади. |

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

| Қўшимча маълумотлар | | |
|---|---|---|
| 1. | а) | Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.<br>Лойиҳа баҳолаш ҳужжати тақдим этилади. |
| | | |
| 2. | | Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига ёки бир нечтасига киритилганлигини кўрсатинг:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐<br>Бошқа ☐<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: |
| 3. | | Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |

<table>
<tr><td>4</td><td colspan="6">Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган. : 4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.</td></tr>
<tr><td>5</td><td colspan="6">Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td>6.</td><td colspan="6">Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурати борми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td>7.</td><td colspan="6">Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:<br>Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган 34-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти бўш ер майдонида давлат-хусусий шериклик асосида 300 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этиш. Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан қабул қилинадиган болаларнинг 20 фоизини бепул (грант) асосида қабул қилиш.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">8.</td><td>а)</td><td>Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси:<br>(457,8 минг АҚШ долл)<br>5 800,0 млн. сўм</td><td>б)</td><td>Лойиҳа давридаги эксплуатация харажатлари миқдори<br>(15,7 минг АҚШ долл)<br>200,0 млн. сўм</td><td>в)</td><td>Умумий харажатлар<br>(473,6 минг АҚШ долл)<br>6 000,0 млн. сўм<br>(10.07.2025 йил ҳолатига курс: 12667,92)</td></tr>
<tr><td>г)</td><td colspan="2">ДХШнинг амал қилиш муддати:<br>20 йил<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br>3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☐ >30 ☐</td><td>д)</td><td colspan="2">Лойиҳанинг амалга ошириш муддати:<br>2 йил<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br><10 ☐ 10-30 ☐ >30 ☐</td></tr>
<tr><td>9.</td><td>а)</td><td colspan="5">Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг:<br>Фойдаланганлик учун тўлов ☒<br>Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☐</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | б) | Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларида): 1 нафар ўқувчига 500 минг сўм (бозор талабидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин).<br><br>Йиллик 142 минг АҚШ долларни ташкил этади.<br><br>Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br><br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐ |
| | в) | Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br><br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br><br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐<br><br>ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг::<br><br>Давлат ташаббускори ☐<br><br>Хусусий ташаббускор ☒ |
| | г) | Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов: лойиҳа қиймати 1 млн АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги лойиҳалар учун бир марталик тўлов мавжуд эмас. |

10. Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.
Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.

| Хавф ёки хатарлар турлари | Давлат шериги | Умумий | Хусусий шерик | Хатар тақсимоти асоси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар | | | • | | |
| Дизайн ва техно-логияларнинг эскириш хавфи | | | • | | |
| Яширин нуқсон хавфи | | | • | | |
| Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар | | | • | | |
| Молиявий хатарлар | | | • | | |
| Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) | | | • | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган) | | | ● | | |
| | Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | ДХШ лойиҳа шартномаси тузулганидан кейинги лойиҳа-га киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | ДХШ лойиҳа шартномаси тузулганидан кейинги лойиҳа-га киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан) | | | ● | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Самарадорлик кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари | | | ● | | |
| | Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши | | | ● | | |
| | Сиёсий беқарорлик хатарлари | | ● | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таъмир ва реконструксияга оид хатарлар | | | ● | | |
| | Мулкни реквизиция қилиш | ● | | | | |
| | Операцион хатарлар | | | ● | | |
| | Экологик/ижти-моий хатар (эксплуатация билан боғлиқ) | | | ● | | |
| | Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Талаб билан боғлиқ хатарлар | | ● | | | |
| | Бошқа | | | | | |

11\. Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг.

а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштирокчининг номи): “OLTINKO’L KO’MIR BRIKET” МЧЖ

б) компания рўйхатдан ўтган давлат номи: Ўзбекистон Республикаси

в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга):

О.А.Нишонов – 100 фоиз улушга эга.

г) боғланиш учун маълумот: Андижон вилояти, Андижон тумани, “Нўхатак” МФЙ Матбуотчи кўчаси 236-уй.

д) бизнеснинг қисқача мазмуни: Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти

е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба: Тажрибага эга.

ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда:

з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш:

Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни, шу жумладан, компания низоми, йиллик ҳисоботларни ва охирги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этинг.

12\. Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:

| | | Сана | | | Сана |
|---|---|---|---|---|---|
| а) | ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2025 йил 3 чорак | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | Тендер якунидан сўнг |

<table>
<tr><td rowspan="3"></td><td>б)</td><td>Лойиҳаолди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: тендер ҳужжатлари)</td><td>2025 йил 3 чорак</td><td>е)</td><td>Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.</td><td>Х</td></tr>
<tr><td>в)</td><td>Дастлабки малакани аниқлаш (агар қўллаш мумкин бўлса, малакани аниқлаш талабномаси асосида – Request for Qualification, RFQ)</td><td>Х</td><td>ё)</td><td>Молиявий якунлаш</td><td>Битим кучга кирганидан сўнг</td></tr>
<tr><td>г)</td><td>Ғолибни саралаш (Таклифларни топшириш талабномаси – Request for Proposals, RFP)</td><td>Х</td><td></td><td></td><td></td></tr>
<tr><td>13.</td><td colspan="6">Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: Жорий ҳолатда давлат бюджетидан маблағ ажратилмайди.</td></tr>
<tr><td>14.</td><td colspan="6">Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ?<br><br>Ушбу лойиҳа давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилганда тахминан 5 000,0 млн. сўм бюджет маблағлари ажратиларди.</td></tr>
<tr><td>15.</td><td colspan="6">Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг: Хусусий шерик томонидан инвеститция мажбуриятлари тўлиқ ўз хисобидан амалга оширилиши ва қўшимча иш ўринлари яратилиб, иш хаққи ва бошқа харажатлар хусусий шерик зиммасидан амалга оширилади.</td></tr>
<tr><td>16.</td><td colspan="6">Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br><br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br><br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:<br><br>Давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг фаолиятини юритиш, мактабгача ёшидаги болаларни таълимга сифатли тайёрлаш, юқори малакали ходимларни иш билан таъминлаш режалаштирилган;<br><br>Ҳудуддаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотига бўлган талабни қондириш;<br><br>Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан қабул қилинадиган тарбияланувчилар жами сонининг 20 фоизини ижтимоий ҳимояга мухтож ва кам таъминланган оила фарзандларига ҳисобига тўғри келади ва уларга бепул таълим хизматларини кўрсатилади.</td></tr>
<tr><td>17.</td><td colspan="6">Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| | берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 18. | Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:<br>Ушбу лойиҳа доирасида аҳолининг мактаб ёшидаги фарзандларини тўлиқ қамрашга кўмаклашиш, таълим соҳасида замонавий жаҳон стандартларига мос келадиган боғча хизматларини кўрсатиш, бу билан болаларни билим олишга жалб қилишни, бунда хизмат кўрсатишни ташкил килиш асосида янги иш ўринлари яратишни режалаштирган бўлиб, таълим соҳасида кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали таълим тизим яратилади. |
| 19. | ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 20. | Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:<br>Инвестиция киритилмокда. |
| 21. | Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:<br>Маҳаллий ва хорижий тажрибалар асосида амалга оширилмокда. |
| 22. | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Хусусий секторга янгича ёндашув, янгича методолар кириб келади |
| 23 | Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун мақбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар «Ҳа» жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Инвеститция хусусий шерик томонидан киритилиши ва рисклар тенг тақсимланиши |

| | | |
|---|---|---|
| 24. | | Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, керакли ер участкаси майдонини кўрсатинг: Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган 34-сонли умумтаълим мактабининг *3500 кв.м* бўш турган ер майдонида давлат-хусусий шериклик битимига биноан ижарага берилиши зарур. |
| 25. | а) | Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг: |
| | б) | Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг. |
| 26. | | Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☐ Кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐<br>Бошқа:<br>Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади. |
| 27. | | Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>"OLTINKO'L KO'MIR BRIKET" МЧЖ,<br>Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани аҳолиси. |
| 28 | | Ғолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: Мавжуд эмас<br>Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун — 0,2 фоиз<br>Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларидан 100 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун — 0,1 фоиз<br>Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларидан 1 млрд АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун — 0,05 фоиз<br>Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун — 0,02 фоиз |

| | | |
|---|---|---|
| 29. | Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақида маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг. | |
| | **Маъсул этиб тайинланган шахс** | Давлат-хусусий шерикликни мувофиқлаштириш бошқармаси |
| | Ф.И.О.: | |
| | Лавозими: | мутахассис |
| | Тел.: | +99855-503-74-00 |
| | Электрон почта манзили: | info@uzedu.uz |

**“Киритилди”**

“OLTINKO’L KO’MIR BRIKET” МЧЖ
раҳбари. О.А.Нишонов

OLTINKO'L KO'MIR BRIKET
O'ZBEKISTON RESP. ANDIJON VILOYATI ANDIJON TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI